



# БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАРИНИ ИНТЕГРИРЛАШГАН УСУЛДА ОЛИБ БОРИШ



## ТУГИЛГАНДАН 2 ОЙЛИККАЧА БҮЛГАН ГҮДАКЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ

### БЕМОР ГҮДАКНИНГ АҲВОЛИНИ БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ

ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИНИ ИЗЛАНГ .....	3
САРҒАЙИШ ЭҲТИМОЛИНИ ИЗЛАНГ .....	4
ГҮДАҚДА ДИАРЕЯ БОРМИ? .....	5
СҮНГ ТЕКШИРИБ КҮРИНГ, ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ ЁКИ КАМВАЗНЛИК БОРМИ? .....	6
Гүдакнинг эмланганлик ҳолатини текширинг .....	7
Бошқа муаммоларни баҳоланг .....	7

### ГҮДАКНИ ДАВОЛАНГ ВА ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ

<b>Антибактериал препаратнинг биринчи дозасини мушак орасига юборинг</b>	
Мушак орасига юбориладиган антибактериал воситалар .....	8
Гипогликемиянинг олдини олинг .....	8
<b>Маҳаллий бактериал инфекцияни мос антибактериал препарат билан даволанг</b>	
Маҳаллий бактериал инфекцияда антибактериал восита—Амоксициллин .....	9
Онаға маҳаллий инфекцияни уй шароитида даволашни ўргатинг .....	9

### Онаға гүдакни касалхонага олиб кетишда қандай иссиқ тушиш кераклигини ўргатинг .....

### Диареяни даволаш учун БОЛАНИ ДАВОЛАНГ схемасига қаранг .....

### Барча гүдакларни эмлаш тақвими бўйича эмланг .....

Онаға гүдакни тўғри ушлашни ва кўқракка тўғри тушишни ўргатинг .....	11
--	----

### Онаға қандай қилиб кўқрак сутини соғишни ўргатинг .....

Онани пиёла ёрдамида овқатлантиришга ўргатинг .....	12
---	----

### Онани камвазнли гүдакни уй шароитида қандай қилиб иссиқ тушишга ўргатинг .....

### Онаға гүдакни уй шароитида парвариш қилиш бўйича маслаҳат беринг

Гүдакни факат она сути билан овқатлантиринг .....	13
Гүдакни доимо иссиқ ҳолатда бўлишини таъминланг .....	13
Қачон қайтиб келиш .....	13

### БЕМОР ГҮДАҚДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

Маҳаллий бактериал инфекция .....	14
Сарғайиш .....	14
Диарея .....	14
Овқатлантиришдаги муаммолар .....	15
Камвазнлик .....	15
Камқонлик .....	15
Оғиз оқармаси .....	15

### Вазнни ёшга мослиги

Вазнни ёшга мослиги. Ўғил болалар: туғилишдан 6 ойгача .....	16
Вазнни ёшга мослиги. Қиз болалар: туғилгандан 6 ойгача .....	17

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ -АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ЎзР ССВ Фан ва ўқув юртлари  
бosh башкармаси башлиги  
т.ф.д. У.С. Исмаилов  
2013 й « 22 » май  
№ 5 бажнома



“КЕЛИШИЛДИ”

ЎзР ССВ Тиббий таълимни  
ривожлантириш маркази  
директори  
М.Х. Ахмедова  
2013 й « 22 » май  
№ 5 бажнома



Болалар касалликларини интегрирлашган усулда  
олиб бориш


2 ойликкача бўлган бемор болани аҳволини баҳоланг, таснифланг ва давони  
белгиланг буклет схемаси

Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш  
бўйича

ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси  
мутахассислари томонидан мослаштирилган

ЎҚУВ КУРСИ

Тошкент 2013



Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 1998

Ушбу хужжат кенг омма учун чоп этишига мўлжалланмаган бўлиб, барча ҳукуклар  
Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотига тегишилди. (ЖССТ). Ушбу хужжат ЖССТ-  
нинг олдиндан берилган ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман таржима этилиши, эркин  
холда тўпламлар ва рефератлар учун фойдаланилиши мумкин эмас. Ушбу хужжатнинг  
бирорта қисми ҳам, ЖССТ-нинг олдиндан берилган рухсатисиз, маълумотлар базасидан  
сақланиши, ёки барча-механик, электрон ёки бошқа йуллар билан узатилиши мумкин  
эмес.

«Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш» ўқув курси  
Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Бола Соғлиги ва Ривожланиши  
Бўлими (СНД) ва ЮНИСЕФ томонидан ACT International, Атланта, Жоржия,  
АҚШ, билан шартнома асосида тайёрланган.

Ушбу қўлланма, Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб  
бориш стратегияси бўйича миллый тренерлар т.ф.д. З.Е. Умарназарова, т.ф.д.  
И.М. Ахмедова, т.ф.н. Г.Б. Утепова томонидан матнлар асосида қайтадан  
ЖССТ охирги тавсиялари асосида янгиланди ва қайта чоп этилган  
(Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг Республика  
ихтинослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент  
педиатрия тиббиёт институти).

Ўқув курси бирламчи бўғин тизими, болалар тиббиёт муассасалари,  
шунингдек тиббиёт олий ўқув юртлари, ўрта маҳсус ўқув юртлари ва  
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқув дастурларига киритиш  
учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Э.А. Шомансурова, т.ф.д., ТошПТИнинг амбулатория тиббиёти  
кафедраси мудири

К.Ш. Салихова, т.ф.н. ЎзРССВ РИПИАТ Маркази илмий-ишлар бўйича  
директор мувонини

Ўқув курси ЎзР ССВ РИПИАТ Марказида 2013 йил 14 марта Илмий  
Кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди, 3-мажлис баённомаси.

Илмий котиба т.ф.н.



Д.С. Арипова



## 2 ОЙЛИККАЧА БҮЛГАН БЕМОР ГҮДАКНИНГ АХВОЛИНИ БАҲОЛАНГ, ТАСНИФЛАНГ ВА ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ

### БАҲОЛАНГ

#### ОНАДАН ГҮДАКНИНГ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА СҮРАНГ

- Аникланг, ушбу муаммо бўйича бирламчи ташрифми ёки қайта ташрифми
  - Агар қайта ташриф бўлса, кейинги кузатув бўйича маҳсус йўрикномага қаранг
  - Агар ташриф бирламчи бўлса, боланинг ҳолатини кўйидаги жадвалда кўрсатилган кетма-кетлиқда баҳоланг

### ТАСНИФЛАНГ

#### КАСАЛЛИКНИ ТАСНИФЛАШ УЧУН ГҮДАКДАГИ МУАММО ВА СИМПТОМЛАРГА МОС КЕЛАДИГАН ЖАДВАЛНИНГ БАРЧА БЎЛИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

### ДАВОНИ БЕЛГИЛАНГ

#### ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИНИ ИЗЛАНГ

<b>СҮРАНГ:</b>	<p><b>КЎЗДАН КЕЧИРИНГ, ЭШИТИБ КЎРИНГ, ҲИС ЭТИНГ</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Минутдаги нафас сонини сананг. Минутига ____ та. Нафас тезлашган бўлса, қайта сананг ____ та. Нафас тезлашганми?</li> <li>Кўкрак кафасининг кучли тортилишини изланг.</li> <li>Кўлтиқ ости хароратини ўлчанг.           <ul style="list-style-type: none"> <li>- Иситма борлиги (<math>37,5^{\circ}\text{C}</math> даражава ундан юқори)</li> <li>- Харорат пасайиб кетгани (<math>35,5^{\circ}\text{C}</math> даражадан пастлиги).</li> </ul> </li> <li>Киндини кўздан кечиринг. Қизариш ёки йирингли ажралмалар борми?</li> <li>Теридаги йирингчаларни изланг.</li> <li>Гўдакнинг харакатларини кўздан кечиринг. Гўдак ухлаётган бўлса, онасидан уни уйготишини илтимос килинг.</li> <li>Агар гўдак харакат килмаса, секин таъсир кўрсатинг.           <ul style="list-style-type: none"> <li>- Таъсир кўрсатганда харакат киласими?</li> <li>- Таъсир кўрсатишга қарамай харакатсизми?</li> </ul> </li> </ul>	<p><i>Гўдак тинч бўлиши керак</i></p> <p><i>Барча гўда-кларни таснифланг</i></p>	
			<ul style="list-style-type: none"> <li>Антибиотикнинг биринчи дозасини мускул орасига юборинг</li> <li>Гипогликемиянинг олдини олинг</li> <li>ЗУДЛИК билан касалхонага юборинг**</li> <li>Касалхонага етиб боргунча гўдакни қандай қилиб иссиқ сақлаш бўйича онага маслаҳат беринг</li> </ul>
		<p><b>ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Киндинда йирингли ажралма бор ёки киндин кизарган</li> <li>Терида йирингли тошмалар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Мос келадиган оғиз оркали бериладиган антибактериал препаратни беринг</li> <li>Онага маҳаллий инфекцияни уй шароитида даволашни ўргатинг</li> <li>Онага гўдакни уй шароитида парвариш килиш бўйича маслаҳат беринг</li> <li>Кейинги кузатув 2 кундан кейин</li> </ul>
		<p><b>МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Ўта оғир касаллик ёки маҳаллий бактериал инфекция белгилари йўқ</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Онага гўдакни уй шароитида парвариш килиш бўйича маслаҳат беринг</li> </ul>
		<p><b>ЎТА ОФИР КАСАЛЛИК ЁКИ МАҲАЛЛИЙ ИНФЕКЦИЯ</b></p>	

\* Бу аксилляр ҳарорат кўрсаткичи. Ректал ҳарорат тахминан  $0,5^{\circ}\text{C}$  юқори.

\*\* Гўдакни касалхонага юборишнинг иложиси бўлмаса, Болалар касаллукларини интегрирлашган усулда олиб бории дастурининг Бемор гўдакни олиб бории модулидаги «Касалхонага юборишнинг иложиси бўлмаганд» қисмiga қаранг .

## САРГАЙИШ ЭХТИМОЛИНИ ИЗЛАНГ

Агар саргайиши бўлса,  
СЎРАНГ:

- Қачон биринчи марта саргайиш пайдо бўлди?
- Саргайиш борми (кўз оқлигининг ёки тери қопламларининг сариқ ранги)?
- Кафтлар ва оёқ тагларининг саргайиши борми?

### КЎРИНГ ВА ХИС ЭТИНГ:

Сариқликни  
таснифланг

- Ҳар қандай сариқлик, агар ёши 24 соатдан кам бўлса, ёки
- Ёшидан қатъий назар, кафтлар ва оёқ тагларидаги сариқлик

### ОФИР САРГАЙИШ

- Гипогликемиянинг олдини олинг
- ЗУДЛИК билан касалхонага юборинг
- Касалхонага етиб боргунча гўдакни қандай қилиб иссиқ сақлаш бўйича онага маслаҳат беринг

- Ёши 24 соатидан ўтганда пайдо бўлган сариқлик ВА
- Кафтларда ва оёқ тагларида сариқлик йўқ

### САРГАЙИШ

- Гўдакни уй шароитида парвариш қилиш бўйича онага маслаҳат беринг
- Агар кафт ва оёқ тагларида сариқлик пайдо бўлса, дарҳол қайта мурожаат қилиш кераклигини онага тушунтиринг
- Агар гўдакнинг ёши 14 кундан ортиқ бўлса, текшириш учун касалхонага юборинг
- Кейинги кузатув 1 кундан кейин

- Сариқлик йўқ

### САРГАЙИШ ЙЎҚ

- Гўдакни уй шароитида парвариш қилиш бўйича онага маслаҳат беринг

## СҮНГРА СҮРАНГ: Гүдакда диарея борми?\*

БОР БҮЛСА, КҮЗДАН КЕЧИРИНГ ВА ҲИС ЭТИНГ:	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Умумий ахволига қаранг. Гүдак:           <ul style="list-style-type: none"> <li>Ўзи мустақил ҳаракат қиладими?</li> <li>Таъсир кўрсатганда ҳаракат қилиб, кейин ҳаракати тўхтаб қоладими?</li> <li>Таъсир кўрсатишга қарамай ҳаракати йўқми?</li> <li>Гўдак безовта ва бетоқатми?</li> </ul> </li> <li>Изланг қўзлари киртайганми?</li> <li>Қорингдаги тери бурмаларининг реакциясини текширинг.           <p>Тери бурмаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Жуда секин (2 секунддан кўп) текисланади.</li> <li>Секин (2 секундгача) текисланади.</li> </ul> </li> </ul>	<p><b>ДИАРЕЯНИИ таснифлар</b></p>

Кўйидаги белгилардан иккитаси бўлганда:	<p><b>ОФИР СУВСИЗЛАНИШ</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Факат таъсир кўрсатганда ҳаракат қиласди ёки таъсир кўрсатишга қарамай ҳаракатсиз</li> <li>Кўзлари киртайган</li> <li>Тери бурмаси жуда секин текисланади</li> </ul>	<p>Агар гўдакда бошқа оғир таснифлар бўлмаса:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Оғир сувсизланишни даволаш учун В режадан фойдаланинг ЁКИ</li> </ul> <p>Агар гўдакда бошқа оғир таснифлар бўлса:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>ЗУДЛИК билан гўдакни онаси билан қасалхонага юборинг. Қасалхонага боргунча онаси болага ОРВнинг паст осмоляр эритмасини тез-тез ичириб кетиши лозим</li> <li>Онага эмизишни давом эттириши кераклигини тушунтиринг</li> </ul>
Кўйидаги белгилардан иккитаси бўлганида:	<p><b>ЎРТАЧА СУВСИЗЛАНИШ</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Безовта ва бетоқат</li> <li>Кўзлари киртайган</li> <li>Тери бурмаси секин текисланади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўртacha сувсизланишда кўкрак сути билан боқишини давом эттиринг ва суюқликлар беринг (Б Режа)</li> </ul> <p>Агар гўдакда бошқа оғир таснифлар бўлса:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>ЗУДЛИК билан гўдакни онаси билан қасалхонага юборинг. Қасалхонага боргунча онаси болага ОРВнинг паст осмоляр эритмасини тез-тез ичириб кетиши лозим</li> <li>Онага эмизишни давом эттириши кераклигини тушунтиринг</li> <li>Онасига қачон зудлик билан қайта мурожаат килиш кераклигини тушунтиринг</li> <li>Кейинги кузатув ахволи яхшиланмаса 2 кундан кейин</li> </ul>
Ўртacha ёки оғир сувсизланишни таснифи учун белгилар етарли эмас	<p><b>СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Диареяни даволаш учун уй шароитида суюқлик беринг ва кўкрак сути билан боқишини давом эттиринг (А Режа)</li> <li>Онасига қачон зудлик билан қайта мурожаат килиш кераклигини тушунтиринг</li> <li>Кейинги кузатув ахволи яхшиланмаса 2 кундан кейин</li> </ul>

\*Кайси ҳолларда гўдакда диарея бор деб ҳисобланади?

Агар гўдак ахлатининг одатдаги кўриниши ўзгариб, тез-тез ва сувли (ахлатда сув миқдори кўп) бўлса, гўдакда диарея бор деб айтиши мумкин.

Кўкрак сути эмадиган болаларда одатда ахлати тез-тез ва бўтқасимон бўлади ва бу диарея ҳисобланмайди.

# СҮНГРА ТЕКШИРИБ КҮРИНГ, ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ ЁКИ КАМВАЗНЛИК БОРМИ

<p><b>СҮРАНГ:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак кўкракни эмадими? Шундай бўлса, 24 соат ичиди неча марта?</li> <li>Гўдак бошқа овқат ёки суюқликлар олиб турадими? Агар олса, неча марта?</li> <li>Гўдакни овқатлантиришда Сиз нимадан фойдаланасиз?</li> </ul>	<p><b>КЎЗДАН КЕЧИРИНГ, ЭШИТИБ КҮРИНГ, ХИС ЭТИНГ:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Вазнинг ёшга мослигини аниқланг.</li> <li>Оғиздаги яраларни ёки оқ карашларни изланг.</li> </ul>	<p><b>ОВҚАТЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИНИН таснифланг</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Кўкракка нотўғри тутилган ёки</li> <li>Кўкракни самараисиз эмяпти ёки</li> <li>24 соат ичиди 8 мартадан кам эмади ёки</li> <li>Бошқа овқат ёки суюқликлар ичади ёки</li> <li>Вазни ёшига нисбатан кам</li> <li>Оғизда яралар ёки оқ карашлар</li> </ul>	<p><b>ОВҚАТЛАНИШ МУАММОСИ ЁКИ КАМВАЗНЛИК</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Агар гўдак кўкракка нотўғри тутилган бўлса ёки самараисиз эмәётган бўлса, онага болани кўкрак олдида тўғри холатда ушашни ва кўкракка тўғри тутишни ўргатинг.</li> <li>-Агар бирданига барчасига ўргатишнинг иложиси бўлмаса, онани кўкракни согиб болани пиёлачадан овқатлантиришга ўргатинг.</li> <li>Агар она гўдакни суткада 8 мартадан кам эмизаётган бўлса, эмизишсонини кўпайтишини, бола неча марта хоҳласа шунча марта, кечаси ҳам, кундузи ҳам эмизини онага маслаҳат беринг.</li> <li>Агар гўдак бошқа овқат ёки суюқлик ичаётган бўлса, онага кўпроқ эмизишни ва бошқа суюқлик ва овқат беришни камайтириш кераклигини ва албатта пиёладан фойдаланишни тушунтиринг.</li> <li>Агар гўдак кўкрак сутини умуман эммаган бўлса: <ul style="list-style-type: none"> <li>- Кўкрак сути билан овқатлантириш ва релактация бўйича маслаҳат беринг.</li> <li>- Сутли арапашмаларни тўғри тайёрлаш ва овқатлантириш учун пиёладан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар беринг.</li> </ul> </li> <li>Вазни кам бўлган гўдакни уй шароитида қандайди килиб овқатлантириши ва иссанк саклаш бўйича онага маслаҳат беринг.</li> <li>Агар гўдакнинг оғизда оқ карашлар бўлса, уй шароитида 0,25% ли генцианвиолет эритмаси билан даволашни онага ўргатинг.</li> <li>Онага болани парвариш килиш бўйича маслаҳат беринг.</li> <li>Овқатланиши муаммолари ва оғиздаги оқ карашлар бўйича кейинги кузатув 2 кундан кейин.</li> <li>Камвазнлик бўйича кейинги кузатув 14 кундан кейин.</li> </ul> <p><b>Камвазнлик бўйича кейинги кузатув 14 кундан кейин</b></p>
<p><b>АГАР ГЎДАК:</b> Суткасига 8 мартадан камроқ эмадиган бўлса, овқат ёки суюқликнинг бошқа турларини олса, ёки ўз ёши учун вазни кам бўлса,</p> <p><b>ВА</b></p> <p>Зудлик билан касалхонага юбориши учун бошқа сабаблар бўлмаса:</p> <p><b>КЎКРАК БИЛАН ЭМИЗИШНИ БАҲОЛАНГ:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак сўнгти 1 соат давомида кўкрак эммаган бўлса, онадан уни эмизишини илтимос қилинг ва 4 минут давомида кузатинг.</li> </ul> <p>Агар гўдак сўнгти 1 соат давомида эмган бўлса, онадан кутиб туришини ва боланинг корни очганда эмизиб кўришини илтимос қилинг.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак кўкракка тўғри тутилганми? <i>нотўғри тўғри</i></li> <li>Кўкракка тўғри тутилганлигини текшириш учун куйидаги белгиларни изланг: <ul style="list-style-type: none"> <li>Боланинг ияги онанинг кўкрагига тегиб туриди</li> <li>Оғзи катта очилган</li> <li>Пастки лаби ташкарига қайрилган</li> <li>Ареоланинг катта кисми пастидан эмас, юқоридан кўриниб туриди</li> </ul> </li> </ul> <p>(Агар санаб ўтилган барча белгилар бор бўлса, демак гўдак кўкракка тўғри тутилган)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак самарали эмяптими (яъни, чукур, секин сўриш харакатлари орасида киска тўхташлар билан)?</li> </ul> <p><i>самараисиз самарали</i></p> <p>(Агар боланинг бурни битиб, эмишга халал килаётган бўлса, бурнини тозаланг).</p>	<p>Агар гўдак сўнгти 1 соат ичиди кўкрак эммаган бўлса, онадан уни эмизишини илтимос қилинг ва 4 минут давомида кузатинг.</p> <p>Агар гўдак сўнгти 1 соат давомида эмган бўлса, онадан кутиб туришини ва боланинг корни очганда эмизиб кўришини илтимос қилинг.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак кўкракка тўғри тутилганми? <i>нотўғри тўғри</i></li> <li>Кўкракка тўғри тутилганлигини текшириш учун куйидаги белгиларни изланг: <ul style="list-style-type: none"> <li>Боланинг ияги онанинг кўкрагига тегиб туриди</li> <li>Оғзи катта очилган</li> <li>Пастки лаби ташкарига қайрилган</li> <li>Ареоланинг катта кисми пастидан эмас, юқоридан кўриниб туриди</li> </ul> </li> </ul> <p>(Агар санаб ўтилган барча белгилар бор бўлса, демак гўдак кўкракка тўғри тутилган)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак самарали эмяптими (яъни, чукур, секин сўриш харакатлари орасида киска тўхташлар билан)?</li> </ul> <p><i>самараисиз самарали</i></p> <p>(Агар боланинг бурни битиб, эмишга халал килаётган бўлса, бурнини тозаланг).</p>	<p>Агар гўдак сўнгти 1 соат ичиди кўкрак эммаган бўлса, онадан уни эмизишини илтимос қилинг ва 4 минут давомида кузатинг.</p> <p>Агар гўдак сўнгти 1 соат давомида эмган бўлса, онадан кутиб туришини ва боланинг корни очганда эмизиб кўришини илтимос қилинг.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак кўкракка тўғри тутилганми? <i>нотўғри тўғри</i></li> <li>Кўкракка тўғри тутилганлигини текшириш учун куйидаги белгиларни изланг: <ul style="list-style-type: none"> <li>Боланинг ияги онанинг кўкрагига тегиб туриди</li> <li>Оғзи катта очилган</li> <li>Пастки лаби ташкарига қайрилган</li> <li>Ареоланинг катта кисми пастидан эмас, юқоридан кўриниб туриди</li> </ul> </li> </ul> <p>(Агар санаб ўтилган барча белгилар бор бўлса, демак гўдак кўкракка тўғри тутилган)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Гўдак самарали эмяптими (яъни, чукур, секин сўриш харакатлари орасида киска тўхташлар билан)?</li> </ul> <p><i>самараисиз самарали</i></p> <p>(Агар боланинг бурни битиб, эмишга халал килаётган бўлса, бурнини тозаланг).</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Кўкракка нотўғри тутилган ёки</li> <li>Кўкракни самараисиз эмяпти ёки</li> <li>24 соат ичиди 8 мартадан кам эмади ёки</li> <li>Бошқа овқат ёки суюқликлар ичади ёки</li> <li>Вазни ёшига нисбатан кам</li> <li>Оғизда яралар ёки оқ карашлар</li> </ul>	<p><b>ОВҚАТЛАНИШ МУАММОСИ ЁКИ КАМВАЗНЛИК</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Агар гўдак кўкракка нотўғри тутилган бўлса ёки самараисиз эмәётган бўлса, онага болани кўкрак олдида тўғри холатда ушашни ва кўкракка тўғри тутишни ўргатинг.</li> <li>-Агар бирданига барчасига ўргатишнинг иложиси бўлмаса, онани кўкракни согиб болани пиёлачадан овқатлантиришга ўргатинг.</li> <li>Агар она гўдакни суткада 8 мартадан кам эмизаётган бўлса, эмизишсонини кўпайтишини, бола неча марта хоҳласа шунча марта, кечаси ҳам, кундузи ҳам эмизини онага маслаҳат беринг.</li> <li>Агар гўдак бошқа овқат ёки суюқлик ичаётган бўлса, онага кўпроқ эмизишни ва бошқа суюқлик ва овқат беришни камайтириш кераклигини ва албатта пиёладан фойдаланишни тушунтиринг.</li> <li>Агар гўдак кўкрак сутини умуман эммаган бўлса: <ul style="list-style-type: none"> <li>- Кўкрак сути билан овқатлантириш ва релактация бўйича маслаҳат беринг.</li> <li>- Сутли арапашмаларни тўғри тайёрлаш ва овқатлантириш учун пиёладан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар беринг.</li> </ul> </li> <li>Вазни кам бўлган гўдакни уй шароитида қандайди килиб овқатлантириши ва иссанк саклаш бўйича онага маслаҳат беринг.</li> <li>Агар гўдакнинг оғизда оқ карашлар бўлса, уй шароитида 0,25% ли генцианвиолет эритмаси билан даволашни онага ўргатинг.</li> <li>Онага болани парвариш килиш бўйича маслаҳат беринг.</li> <li>Овқатланиши муаммолари ва оғиздаги оқ карашлар бўйича кейинги кузатув 2 кундан кейин.</li> <li>Камвазнлик бўйича кейинги кузатув 14 кундан кейин.</li> </ul> <p><b>Камвазнлик бўйича кейинги кузатув 14 кундан кейин</b></p>
<p>• Камвазнлик ва нотўғри овқатлантиришнинг бошқа белгилари йўқ</p>	<p><b>ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ ЙЎҚ</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Онага гўдакни уй шароитида парвариш килиш бўйича маслаҳат беринг</li> <li>Онани болани тўғри овқатлантираётгани учун мактанг</li> </ul>			

## ГҮДАКНИНГ ЭМЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИНГ

ЭМЛАШ ТАҚВИМИ:	ЁШИ	ВАКЦИНА	ВИТАМИН А	
	Биринчи 24 соат — 2-5 кун	ВГВ –1 БЦЖ	ОПВ – 0	200 000 МЕ онасига туғруқдан сүнг 6 хафта давомида

- Гүдак ушбу ташриф чөгидиң қолдириб юборган барча эмлашларни олиши керак.
- Уларга касалхонага юбориладиган гүдаклардан ташқари барча бемор гүдаклар ҳам киради.
- Болани парваришлиовчи шахсга болани кейинги эмлаш учун қачон келишини айтинг.

## БОШҚА МУАММОЛАРНИ БАҲОЛАНГ

# ГҮДАКНИ ДАВОЛАНГ ВА ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ

## Антибактериал препаратнинг биринчи дозасини мушак орасига юборинг

- Ампициллиннинг биринчи дозасини мушак орасига юборинг ва
- Гентамициннинг биринчи дозасини мушак орасига юборинг

ОФИРЛИГИ	АМПИЦИЛЛИН Доза: 50 мг ҳар 1 кг	ГЕНТАМИЦИН	
	500 мг флаконга 2,6 мл стерилланган сув қўшинг = 500 мг/3,0 мл	2 мл да 20 мг (10 мг/мл) бўлган суюлтирилмаган флакон, ЁКИ таркибида 80 мг (40 мг/мл) бўлган 2 мл ли флаконга 6 мл стерилланган сув қўшинг, таркиби 80 мг*=8 мл (10 мг/мл)	
		ЁШИ –7 кундан кам <b>Доза: 5 мг ҳар 1 кг</b>	ЁШИ –7 кун ва катта <b>Доза 7,5 мг ҳар 1 кг</b>
1 – <1,5 кг	0,4 мл	0,6 мл*	0,9 мл*
1,5 – < 2 кг	0,5 мл	0,9 мл*	1,3 мл*
2 – < 2,5 кг	0,7 мл	1,1 мл*	1,7 мл*
2,5 – < 3 кг	0,8 мл	1,4 мл*	2,0 мл*
3 – < 3,5 кг	1,0 мл	1,6 мл*	2,4 мл*
3,5 – < 4 кг	1,1 мл	1,9 мл*	2,8 мл*
4 – < 4,5 кг	1,3 мл	2,1 мл*	3,2 мл*

\*Суюлтирилмаган 40 мг/мл ли гентамицинни ишлатманг.

ЎТА ОФИР ИНФЕКЦИЯСИ бўлган гўдаклар хусусида тутиладиган энг яхши йўл – уларни касалхонага юборишdir. Агар бунинг иложиси бўлмаса, лоақал 5 кун давомида ампициллин ва гентамицин беринг. Гўдакнинг ёши 1 ҳафтадан кам бўлса ампициллинни мушак орасига кунига 2 марта, гўдакнинг ёши 1 ҳафта ва ундан катта бўлса, кунига 3 марта юборилади. Гентамицин кунига бир марта юборилади.

## Гипогликемиянинг олдини олинг

- **Агар гўдак қўкракни эма олса:** Онадан гўдакни эмизишини илтимос қилинг.
- **Агар гўдак қўкракни ололмаса, лекин юта олса:**  
Касалхонага юборишдан олдин 20-50 мл (10 мл/кг) соғилган сут беринг. Агар соғилган сут беришнинг иложиси бўлмаса, 20-50 мл (10 мл/кг) ширин сув беринг (ширин сув тайёrlаш учун 4 чой қошиқдаги (20 гр) шакарни 200 мл қайнатилган сувда эритинг).
- **Агар гўдак юта олмаса:** 20-50 мл соғилган сутни ёки ширин сувни назогastrал зонд орқали беринг.

# ГҮДАКНИ ДАВОЛАНГ ВА ОНАГА МАСЛАХАТ БЕРИНГ

## МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯНИ МОС АНТИБАКТЕРИЛ ПРЕПАРАТ БИЛАН ДАВОЛАНГ

Махаллий бактериал инфекцияда антибактериал восита - АМОКСИЦИЛЛИНни қўлланг

Гўдакнинг ЁШИ ёки ОФИРЛИГИ	АМОКСИЦИЛЛИН (25 мг/кг—бир марталик доза)	
	ТАБЛЕТКА 250 мг	СИРОП 125 мг 5 мл да
Туғилгандан- 1 ойликкача (< 4 кг)	1/4	2,5 мл
1 ойликдан-2 ойликкача (4 - < 6 кг)	1/2	5 мл

### Онага маҳаллий инфекцияни уй шароитида даволашни ўргатинг

- Даволашни қандай олиб бориш кераклигини онага тушунтиринг.
- Амбулатория шароитида она даволашни биринчи марта қандай олиб бораётганини кузатинг.
- Агар гўдакнинг ахволи ёмонлашса қайта келишни онага тушунтиринг.

#### Теридаги йирингчаларни ва киндик инфекциясини даволаш учун

Онага даволашни 1 кунда 2 марта, 5 кун мобайнида ўтказиш кераклигини айтинг.

Она:

- > Кўлларини совун билан ювиши,
- > Эҳтиётлик билан йиринг ва қатқалоқни совунли сув билан ювиши,
- > Терини куритиши,
- > 0,5%ли генцианвиолет эритмаси билан артиши,
- > Кўлларини совун билан ювиши керак.

#### Оғиз оқармаси, оғиздаги яраларни даволаш учун

Онага даволашни 1 кунда 4 марта, 7 кун мобайнида ўтказиш кераклигини айтинг.

Она:

- > Кўлларини совун билан ювиши,
- > Тоза матони бармоққа ўраб, тузли сувга ботириши ва боланинг оғзини артиши,
- > Оғизни тенг баробар суюлтирилган (0,25%) генцианвиолет билан артиши,
- > Кўлларини совун билан ювиши керак.

## ГҮДАКНИ ДАВОЛАНГ ВА ОНАГА МАСЛАХАТ БЕРИНГ

**Онага гүдакни касалхонага олиб кетишида қандай қилиб иссиқ тутинги кераклигини ўргатинг**

- Тери-териги контактини таъминланг ЁКИ
- Касалхонага кетиши пайтида гүдакни иложи борича доимо иссиқ тутинг. Гүдакка мавсумга қараб бош кийим, пайтоқ ва қўлқопчалар кийдиринг, керак бўлса юмшиоқ кўрпачага ўраб олинг.

**Диареяни даволаши учун *БОЛАНИ ДАВОЛАНГ* схемасига қаранг**

**Барча гүдакларни эмлаш тақвими бўйича эмланг**

# ГҮДАКНИ ДАВОЛАНГ ВА ОНАГА МАСЛАХАТ БЕРИНГ

## ОНАГА ГҮДАКНИ ТҮГРИ УШЛАШНИ ВА КҮКРАККА ТҮГРИ ТУТИШНИ ЎРГАТИНГ

- Онага гүдакни қандай түгри ушлаш кераклигини кўрсатинг:
  - Боланинг боши ва танаси бир текисликда,
  - Тана ва юзи кўкракка қараган ва бурун сўргич сатҳида,
  - Боланинг танаси онасининг танасига яқин,
  - Она боланинг бўйинни ва елкасини эмас, балки бутун танасини ушлаб туради.
- Онага гүдакни қандай килиб кўкракка түгри тутишни кўрсатинг:
  - Боланинг ияги онанинг кўкрагига тегиб туради,
  - Оғзи катта очилган,
  - Пастки лаби ташқарига қайтарилиган,
  - Ареоланинг кўп қисми бола оғзининг пастидан эмас, устидан кўринади.

Кўкракка түгри тутилганлик ва самарали эмиш белгиларини изланг. Кузатинг. Агар бола кўкракка нотўғри тутилиб, самарасиз эмаётган бўлса, маслахатни қайтадан бошланг.

## ОНАГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ КЎКРАК СУТИНИ СОҒИШНИ ЎРГАТИНГ

Онадан қўйидагиларни бажаришни илтимос қилинг:

- Кўлларини совун билан тозалаб ювишни.
- Кулай ҳолатни эгаллашни.
- Сўргичи ва ареоласининг тагига оғзи кенг идишни тутиб, ушлаб туришни.
- Кўлининг бош бармоғини кўкрагининг тепа қисмига, кўрсаткич бармоғини пастки қисмига, яъни, бир-бирига қарама-қарши қўйишни (кўкрак сўргичидан камида 4 см узоқлиқда).
- Сут безини бош ва кўрсаткич бармоқлар ўртасида бир неча марта сиқиб, кейин қўйиб юбориши.
- Агар, сут пайдо бўлмаса, она бош ва кўрсаткич бармоқларини сўргич томонга суриб, аввалгидай кўкракни яна бир неча марта сиқиб – қўйиб юбориши лозим.
- Сут безини айланасига, турли нуқталарида сиқиб-қўйиб юбориши ва бунда бармоқлар сўргичдан бир хил масофада бўлиши лозим. Бу ҳаракатлар эҳтиёткорлик билан, сўргич ёки терига шикаст етказмасдан бажарилиши керак.
- Соғишини кўкракдан сут сизиб чиқа бошламагунга кадар давом эттириш ва фақат шундан сўнггина иккинчи кўкракка ўтиш ва уни ҳам сут сизиб чиқа бошлагунча соғиш лозим.
- Ҳар бир кўкракни навбатма-навбат, 5-6 марта, камида 20-30 минут давомида соғиш керак.
- Соғишини сут сизиб чиқиши тугаши билан тўхтатиш мумкин, лекин, яна қайта соға бошлашингиз билан сут томчилари пайдо бўлади.

# ГҮДАКНИ ДАВОЛАНГ ВА ОНАГА МАСЛАХАТ БЕРИНГ

## **ОНАНИ ПИЁЛА ЁРДАМИДА ОВҚАТЛАНТИРИШГА ЎРГАТИНГ**

**Сут тўкилганда кийимлари ифлосланмаслиги учун, гўдакнинг кўкрагига салфетка тутинг**

- Гўдакни тиззангизда ярим верикал (тик) ҳолатда ушлаб ўтиринг.
- Пиёлага ўлчаб олинган сутни қуйинг.
- Пиёлани шундай ушлангки, унинг қирраси пастки лабга бемалол тегиб турсин.
- Гўдакнинг лабига сут тегиши учун пиёланинг чеккасини бироз кўтаринг.
- Сутни ичиш учун гўдакнинг ўзига имкон беринг. Гўдакнинг оғзига сутни ҚУЙМАНГ.

## **ОНАНИ КАМВАЗНЛИ ГЎДАКНИ УЙ ШАРОИТИДА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИССИҚ ТУТИШГА ЎРГАТИНГ**

- Гўдак билан онани бир тўшак остида бўлишини таъминланг.
- Хона ҳароратини иссиқлик манбалари ёрдамида 25°C дан паст бўлмаган даражада сақланг. Хонада совуқ шамолли елизак йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.
- Камвазнли гўдакни чўмилтирманг. Агар чўмилтирмоқчи бўлсангиз, буни иссиқ хонада иссиқ сув ёрдамида амалга оширинг ва чўмилтириб бўлгандан сўнг гўдакни қуруқ бўлгунча артиб, кийинтиринг.
- Гўдакнинг кийимини (масалан, пеленкасини) ҳар гал у нам бўлганда алмаштиринг.
- Терига-тери контактини иложи борича узоқ, кундузи ва кечаси давом эттиринг. Терига-тери тегиб туриши учун: Болага олд тугмалари қадаладиган иссиқ қўйлак, иштонча, қалпоқча ва пайпоқ кийдиринг. Гўдакни терига-тери контактида онанинг кўкрак қафасига, кўкрак безлари оралиғига бошини ён тарафга қараган ҳолатида жойлаштиринг.
- Гўдакнинг танасини онанинг кийими билан ёпинг (совуқ кунда қўшимча иссиқ кўрпача билан).
- Терига-тери контакти бўлмаган пайтда, ҳар доим гўдакни яхши кийинтирган ва ўранган ҳолда ушланг. Қўшимча яна болага қалпоқча ва пайпоқ кийдиринг, юмшоқ ва қуруқ пеленкага эркин ўранг ва кўрпача билан ёпинг.
- Гўдакнинг қўйл ва оёқларини иссиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун тез-тез текширинг. Агар улар совуқ бўлса, терига-тери контакти ёрдамида иситинг.
- Гўдакни кўкрак билан тез-тез эмизинг (ёки соғилган кўкрак сутини пиёлача ёрдамида беринг).

# ГҮДАКНИ ДАВОЛАНГ ВА ОНАГА МАСЛАХАТ БЕРИНГ

## **ОНАГА ГҮДАКНИ УЙ ШАРОИТИДА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ БУЙИЧА МАСЛАХАТ БЕРИНГ**

### **1. ГҮДАКНИ ФАҚАТ ОНА СУТИ БИЛАН ОВҚАТЛАНТИРИНГ**

Фақат она сути беринг. Гүдакни соғлом ёки касал бўлишига қарамай фақат она сути билан кечаю кундуз, тез-тез, неча марта хоҳласа, шунча эмизинг.

### **2. ГҮДАКНИ ДОИМО ИССИҚ ҲОЛАТДА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАНГ**

Совуқ ҳавода гүдакнинг бошини ва оёғини ўранг, устига қўшимча кийим кийдиринг.

### **3. ҚАЧОН ҚАЙТИБ КЕЛИШ**

Кейинги ташриф		Қачон яна дарҳол келиш зарур
Агар гүдакда:	Кейинги қўрикка	Куйидаги симптомлардан бирортаси пайдо бўлса онага яна дарҳол қайтиб келишни тушунтиринг:
• САРИҚЛИК	1 кундан кейин	<ul style="list-style-type: none"><li>• Ёмон эмса ёки ёмон ичса</li><li>• Уйқучан ёки караҳт бўлса</li><li>• Аҳволи ёмонлашса</li><li>• Иситма чиқса</li><li>• Бадани совуқ бўлса</li><li>• Нафаси тезлашса</li><li>• Нафаси қийинлашса</li><li>• Товон ва кафтларда сариқлик пайдо бўлса</li></ul>
• МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ • ОВҚАТЛANIШДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ МУАММО	2 кундан кейин	
• ДИАРЕЯ • ОФИЗ ОҚАРМАСИ (МОЛОЧНИЦА)		
• ВАЗНИ ЁШИ УЧУН КАМ	14 кундан кейин	

# БЕМОР ГҮДАКДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

КЕЙИНГИ КУЗАТУВЛАРДА ҲАР БИР БЕМОР ГҮДАКДА "ЎТА ОГИР КАСАЛЛИК" БЕЛГИЛАРИНИ ИЗЛАНГ ВА БАҲОЛАНГ

## МАҲАЛЛИЙ БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯ

### 2 кундан кейин

- Киндикни кўздан кечиринг. Қизариш ёки йирингли ажралмалар борми?
- Теридағи йирингчаларни кўздан кечиринг.

#### Даволаш:

- Киндикдаги йиринглаш ва қизариш сақланиб қолаётган бўлса ёки кўпайган бўлса, гўдакни касалхонага юборинг. Йиринглаш ва қизариш камайган бўлса, онага антибактериал воситани 5 кун давомида беришни давом эттиришни ва маҳаллий инфекцияни уй шароитида даволашни маслаҳат беринг.
- Теридағи йирингчалар ўзгаришсиз қолган бўлса ёки кўпайган бўлса гўдакни касалхонага юборинг. Агар теридағи йирингчалар камайган бўлса, онага антибактериал воситани 5 кун давомида беришни давом эттиришни ва маҳаллий инфекцияни уй шароитида даволашни маслаҳат беринг.

## САРҒАЙИШ

### 1 кундан кейин: сарғайишни изланг

- Кафт ва оёқ тагларида сарғайиш борми?

#### Даволаш:

- Агар кафт ва оёқ тагларида сариқлик кузатилса касалхонага жўнатинг.
- Агар кафт ва оёқ тагларида сариқлик бўлмаса, лекин сариқлик сақланиб қолаётган бўлса, уй шароитида парваришни давом эттиришни тавсия этинг ва кейинги кўрик учун қачон келишини айтинг.
- Агар сариқлик секин аста йўқолиб бораётган бўлса онани қўллаб қувватланг ва уй шароитида парваришни давом эттиришни тавсия этинг. Онага гўдак билан 2 ҳафталик бўлганда қайта ташриф буюришни тайинланг. Агар сариқлик гўдакнинг 2 ҳафталик ёшида ҳам сақланиб турса, ахволини баҳолаш учун касалхонага юборинг.

## ДИАРЕЯ

### 2 кундан кейин

- Сўранг: - Диарея тўхтадими?

#### Даволаш:

- Агар диарея тўхтамаган бўлса, гўдакнинг ахволини баҳоланг ва керакли давони белгиланг. «Болада диарея борми?» бўлимига каранг.
- Агар диарея тўхтаган бўлса, онага болани фақат кўкрак билан эмизишни айтинг.

# БЕМОР ГҮДАКДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

## ОВҚАТЛАНИШДАГИ МУАММОЛАР

### 2 кундан кейин

Овқатланиши қайта баҳоланг. «Овқатланиш муаммолари ёки камвазнлик бор-йўқлигини текшириб кўринг» - бўлимига қаранг.

Биринчи ташриф пайтида аниқланган барча овқатланиш муаммолари тўғрисида сўранг.

- Онага ҳар қандай янги ёки сақланиб қолган овқатланишдаги муаммолар бўйича маслаҳат беринг. Агар онага овқатлантиришни бутунлай ўзгариши маслаҳат бераётган бўлсангиз, онадан боласи билан яна келишни сўранг.
- Агар, гўдакнинг вазни ёши учун кам бўлса, онадан биринчи ташрифдан 14 кун кейин тана вазнини баҳолаш учун келишни сўранг.

**Истисно:** Агар, Сиз овқатлантириш яхшиланишига ишонмасангиз, ёки гўдак вазн йўқотган бўлса, уни касалхонага юборинг.

## КАМВАЗНЛИК

### 14 кундан кейин

Гўдакнинг вазнини ўлчаб кўринг ва ҳали ҳам вазни ёшига нисбатан камми, аниқланг.

Овқатлантиришни қайта баҳоланг. «Овқатлантириш муаммолари ёки камвазнлик бор-йўқлигини текшириб кўринг», - бўлимига қаранг.

- Агар боланинг вазни ёши учун камлиги барҳам топган бўлса, онани мақтанг ва даволашни давом эттириши маслаҳат беринг.
- Агар боланинг вазни ҳали ҳам кам бўлсаю, лекин овқатланиши энди меъёрига тушган бўлса, онасини мақтанг. Онаси болани 1 ойдан кейин навбатдаги эмлаш учун олиб келганида боланинг вазнини яна тортиб кўришни сўранг.
- Агар боланинг вазни ҳали ҳам кам бўлиб, овқатланиш муаммолари ҳам ҳали сақланиб қолган бўлса, онага овқатлантириш бўйича маслаҳат беринг. Онадан 14 кундан сўнг (ёки навбатдаги эмлаш учун келганда, лекин 14 кундан кечикмасдан), қайтиб келишини сўранг. Болани бир неча ҳафта давомида, бола яхши овқатлана бошлаб, мунтазам равишда вазн кўша бошламагунча ёки ёшига нисбатан камвазнлик йўқолмагунча кузатиб боринг.

**Истисно:** Агар, Сиз овқатлантириш яхшиланишига ишонмасангиз, ёки гўдак вазн йўқотган бўлса, уни касалхонага юборинг.

## ОҒИЗ ОҚАРМАСИ


### 2 кундан кейин

Оғиздаги яраларни ёки оқ қарашларни изланг.

Овқатлантиришни қайта баҳоланг. “Овқатлантириш муаммолари ёки камвазнлик бор-йўқлигини текшириб кўринг», - бўлимига қаранг.

- Агар болада оқ қараш кўпайган ёки унинг кўкрак олиши ёки эмишида муаммолар бўлса, уни касалхонага юборинг.
- Агар оқ қараш ўзгармай турган ёки камайган ва бола меъёрида овқатланаётган бўлса, суюлтирилган генцианвиолет билан яна 5 кун даволашни давом эттиринг.


**ҮФИЛ БОЛАЛАР**      **ВАЗННИ ЁШГА МОСЛИГИ.**  
**ТУГИЛИШДАН – 6 ОЙГАЧА (Z-ИНДЕКС)**



**Ёши - түлиқ ҳафта ва ойларда**

Ушбу “Вазнни ёшга мослиги” жадвали вазнниг ёшга мослигини медианага (“0” рақамли чизик) нисбатан таққослаб беради.  
 “Вазнни ёшга мослиги” “-2” чизигидан пастда бўлса - болада  
**“камвазнлик”** бор,  
 “-3” пастда бўлса - болада  
**озиқланишининг оғир бузилиши** бор.  
 Бундай болаларда жуда озғинлик белгилари ёки Квашиоркор (болалар пеллаграси) бўлиши мумкин

**Киз болалар**      **Вазнни ёшга мослиги**  
**0–6 ойгача (Z-индекс)**



Ушбу “Вазнни ёшга мослиги” жадвали вазнниг ёшга мослигини медианага (“0” рақамли чизик) нисбатан таққослаб беради.  
“Вазнни ёшга мослиги”  
“-2” чизигидан пастда бўлса - болада  
“камвазнлик” бор,  
“-3” пастда бўлса - болада  
**озиқланишнинг оғир бузилиши** бор.  
Бундай болаларда жуда озғинлик белгилари ёки Квашиоркор (болалар пеллаграси) бўлиши мумкин

**Ёши - тўлиқ ҳафта ва ойларда**